

Бобуржон ОДИЛОВ
Тошкент молия институти

БАНКЛАР ПАССИВЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИК ДАРАЖАСИ

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банкларида банк пасивларининг барқарорлик даражаси ўрганилган. Ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари пасив операцияларининг барқарорлик даражасини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади, шунинг учун ушбу мақолада тижорат банкларининг пасив операциялари барқарорлиги чуқур таҳлил қилинган ва атрофлича таклифлар ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: барқарорлик, пасив, банк, капитал, қимматли қоғозлар, рақобатбардошлик, депозит.

STABILITY LEVEL OF BANKS' LIABILITIES

Abstract. This article examines the level of stability of bank liabilities in commercial banks. In the current digital economy, it is important to analyze the level of stability of passive operations of commercial banks, therefore, in this article, the stability of passive operations of commercial banks is deeply analyzed, and comprehensive suggestions and conclusions are developed.

Key words: stability, liability, banking, capital, securities, competitiveness, deposit.

Кириш

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлаш уларнинг молия бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шу сабабли, тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи шакллантирилган бўлиб, мажмуадаги бир қатор кўрсаткичлар пруденциал банк назоратининг объекти ҳисобланади. Бу эса, банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Хусусан, Германиянинг Deutsche Bankида регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 0,2 фоизли пунктга ошгани ҳолда, АҚШнинг, Bank of America банкида барқарор пасивлар билан боғлиқ бўлган фоизли харажатларнинг миқдори мазкур даврда 11,1 фоизга ошди[1].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ф.Мишкиннинг хулосасига кўра, банкларнинг депозитлари ва бошқа пасивлари юзасидан берилган Ҳукуматнинг кафолатлари корпоратив қимматли қоғозларга нисбатан татбиқ этилмайди ва улар учун капитал муҳим таъминот вазифасини бажаради. Бироқ, оддий акциялар банклар фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли бўлганлиги сабабли, банклар, харажатларни қисқартириш мақсадида қарз инструментларидан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилишади [2].

И.Ларионованинг фикрига кўра, тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини баҳолашда эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатлардан бири, ўзида ҳам трансакцион депозит ҳисобрақамини, ҳам муддатли депозит ҳисобрақамини намоён этаётган янги ҳисобрақамларининг пайдо бўлаётганлиги ҳисобланади. Масалан, АҚШдаги “НАУ” ҳисобрақамлари ана шундай янги турдаги ҳисобрақами ҳисобланади. Унга бозор ставкаларида фоиз тўланади. Шу билан бирга, мазкур ҳисобрақамлар ўзида трансакцион депозит ҳисобрақамларига хос бўлган хусусиятни ҳам ифода этади: уларнинг қолдиғига тўлов ҳужжатларини ёзишга рухсат этилади [3].

Е.Мешкованинг хулосасига кўра, банклар молиявий ресурсларни шакллантириш мақсадида акция, облигация, депозит ва жамғарма сертификатларни муомалага чиқаради. Шунингдек, тижорат банклари узоқ муддатли ресурсларини шакллантиришда ипотека ва субординар қимматли қоғозлари муҳим ўрин тутadi. Банкларнинг қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларини иккита гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ. Биринчи гуруҳга, тижорат банклари устав ва қўшимча капиталини шакллантириш мақсадида акция ва субординар қимматли қоғозларни муомалага чиқариш бўйича операциялари, иккинчи гуруҳга эса қисқа ва узоқ муддатли ресурсларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун облигация ва ипотека қимматли қоғозлари, депозит ва жамғарма сертификатлари билан боғлиқ операциялари киради. Акция ва сертификатларнинг бозор баҳоси банкларнинг ушбу бозордаги фаолиятини баҳоловчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади [4].

О.Лаврушиннинг фикрига кўра, тижорат банклари ресурсларининг энг барқарор қисми бўлиб муддатли депозитлар ва жамғарма омонатлари ҳисобланади ва улар қуйидаги муҳим хусусиятларга эгадир:

ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилмайди ва уларга тўлов ҳужжатлари ёзилмайди;

муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларидаги маблағларнинг айланиш тезлиги паст;

катъий белгиланган фоиз тўланади, Марказий банк зарур ҳолларда фоиз ставкаларининг юқори чегарасини тартибга солиши мумкин;

тижорат банкини депозитни олиш тўғрисида олдиндан огоҳлантириш тартиби мавжуд;

нисбатан паст мажбурий заҳира ставкалари қўлланилади [5].

В.Усоскиннинг фикрига кўра, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидлилигига жиддий зиён етказди. Шу сабабли, Гласс-Стиголл қонунига асосан 1933 йилда трансакцион депозитларга фоиз тўлашнинг таъқиқланиши оқилона тадбир ҳисобланади. Лекин муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига тижорат банклари томонидан тўланадиган фоиз ставкаларининг юқори чегарасининг белгиланиши тижорат банкларининг депозит базасига салбий таъсир қилади [6].

Фикримизча, В.М.Усоскиннинг трансакцион депозитлардан тижорат банклари томонидан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги хусусидаги илмий хулосаси ҳозирги даврда ҳам ўзининг амалий аҳамиятини йўқотган эмас. Хусусан, республикамиз тижорат банкларида трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб, ресурс сифатида фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Бунинг натижасида тижорат банкларининг фаолиятидаги ликвидлилик ва кредит rischi кучаймоқда. Чунки трансакцион депозит нобарқарор пасив ҳисобланади ва шу сабабли исталган вақтда ҳисобрақам эгаси томонидан талаб қилиб олиниши мумкин. Кредит эса, муддатли бўлиб, уни муддатидан олдин қайтариб олиш мумкин эмас. Бундан ташқари, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлашдан бўлган манфаатдорлигига салбий таъсир қилади.

Ш.Рузметовнинг хулосасига кўра, республикамиз тижорат банкларига трансакцион депозит ҳисобрақамидаги маблағлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб, ресурс сифатида фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашга бўлган рағбатга путур етказди, банкларнинг ликвидлилигига нисбатан жиддий салбий таъсирни юзага келтиради. Чунки трансакцион депозитлар тижорат банкларининг беқарорлик даражаси жуда юқори бўлган пасиви ҳисобланади [7].

Ш.Рузметовнинг ушбу хулосаси тижорат банкларининг пасивларини барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банклари депозитларининг умумий

ҳажмида талаб қилиб олинадиган депозитлар салмоғининг юқори бўлиши уларнинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Ушбу салбий таъсир тижорат банкларида пул шаклидаги даромад келтирмайдиган активлар миқдорининг ошишига олиб келади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида давлат статистика ҳисоботларини ахборот тизими орқали қабул қилиш ва қайта ишлашнинг самарадорлик кўрсаткичларининг амалдаги ҳолати мушоҳада, индукция ва дедукция, динамик қаторлар, иқтисодий-статистик таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ушбу мақолада тижорат банклари пасивларининг барқарорлик даражасига баҳо бериш учун пасивларнинг таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш орқали уларнинг етарлилиги ва барқарорлигига баҳо берамиз.

-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мажбуриятларининг таркиби, жамига нисбатан фоизда [8]

Пассивларнинг таркиби	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.
Депозитлар	37,3	41,1	37,3	41,8	45,4
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	0,27	0,8	0,4	0,2	0,2
Бошқа банкларнинг маблағлари-резидент	3,4	4,5	4,2	3,6	3,9
Бошқа банкларнинг маблағлари-норезидент	0,3	0,4	1,0	1,2	4,8
Олинган кредитлар ва лизинг	55,6	47,5	49,3	46,5	39,1
Чиқарилган қимматли қоғозлар	0,01	1,3	3,1	2,84	2,3
Субординар қарзлар	0,0	1,8	1,3	1,1	1,4
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	1,2	1,1	1,2	1,1	1,1
Бошқа мажбуриятлар	2,0	1,7	2,2	1,8	1,8
Жами мажбуриятлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2018-2022 йилларда республикада тижорат банклари мажбуриятларининг умумий ҳажмида энг

юқори салмоқни депозитлар ва хориждан жалб қилинган халқаро кредитлар ва халқаро лизинг эгаллаган. Бу эса, биринчидан, банкларнинг актив операцияларини молиялаштиришда депозитлардан асосий ички манба сифатида фойдаланилаётганлиги билан, иккинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган инвестицияларни молиялаштиришда халқаро кредитлар ва халқаро лизингдан кенг қўламда фойдаланилаётганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи ошиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, ушбу кўрсаткич таҳлил қилинган давр мобайнида паст даражада қолган. Бу эса, банк пасивларининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари регулятив капиталининг таркиби, жамига нисбатан фоизда [8]


Регулятив капиталнинг таркиби	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.
Устав капитали	73,7	82,1	76,5	77,2	75,2
Қўшимча капитал	0,3	0,3	0,7	1,0	1,3
Захира капитали	11,0	7,5	8,9	11,9	9,2
Тақсимланмаган фойда	14,9	10,1	13,8	9,9	14,3
Регулятив капитал-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда республикаимиз тижорат банкларининг регулятив капиталини таркибида энг юқори салмоқни устав капитали эгаллаган. Бу эса, бир томондан, устав капиталини банклар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи эканлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, капиталнинг бошқа элементларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операцияларни ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда республикаимиз тижорат банкларининг регулятив капиталини таркибида эгш кичик салмоқни қўшимча капитал эгаллаган. Бу эса, банк акцияларининг бозор баҳосини паст эканлиги билан изоҳланади.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2019-2021 йилларда тижорат банкларининг регулятив капиталини таркибида захира капиталининг салмоғи ошиш тенденциясига эга бўлган, аммо, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда мамлакат тижорат банкларининг регулятив капиталини таркибида тақсимланмаган фойданинг салмоғи беқарор бўлган.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари
пассивларининг таркиби, фоизда [8]**

1-расм маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда республикада тижорат банклари пассивларининг таркибида мажбуриятлар нисбатан юқори салмоқни эгаллаган. Шунингдек, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

1-расм маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда республикада тижорат банклари пассивларининг таркибида регулятив капитал нисбатан кичик салмоқни эгаллаган. бироқ, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Биз қуйида диссертацион тадқиқотнинг объекти бўлган Ўзсаноатқурилишбанк ва Алоқабанк пассивларининг барқарорлигини таҳлил қиламиз.

-жадвал

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ пассивларининг таркиби, жамига
нисбатан фоизда [9]**

Пассивларнинг таркиби	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.
Мажбуриятлар	90,7	82,1	86,3	86,4	87,8
Регулятив капитал	9,3	17,9	13,7	13,6	12,2
Пассивлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0


3-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда Ўзсаноатқурилишбанк пассивларининг умумий ҳажмида мажбуриятлар

нисбатан юқори салмоқни эгаллаган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2020-2022 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда Ўзсаноатқурилишбанк пасивларининг умумий ҳажмида регулятив капитал нисбатан кичик салмоқни эгаллаган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2020-2022 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғини пасайиши пасивларнинг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, биринчидан, регулятив капитал барқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади; иккинчидан, фаолият натижасида кўрилган зарарлар капитал ҳисобидан қопланади.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, регулятив капиталнинг Ўзсанотқурилишбанк пасивларининг ҳажмидаги салмоғини 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 2,9 фоизли пунктга ошган.



2-расм. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ мажбуриятлари ҳажмида депозитлар ва банклараро кредитларнинг салмоғи, жамига нисбатан фоизда [9]

2-расм маълумотларидан кўринадики, Ўсаноатқурилишбанк мажбуриятларининг умумий ҳажмида нисбатан юқори салмоқни депозитлар ва банклараро кредитлар эгаллайди. Айниқса, банклараро кредитларнинг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи сезиларли даражада юқоридир. Бу эса, Ўсаноатқурилишбанкнинг инвестицион кредитлари ҳисобидан кўплаб инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилаётганлиги билан изоҳланади.


2-расм маълумотларидан кўринадики, Ўсаноатқурилишбанк мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғи 2019-2021йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, банклараро кредитларнинг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи мазкур даврда ошиш тенденциясига эга бўлди.

Банклараро кредитларнинг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғининг ошиши пасивларнинг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, банклараро кредитлар нисбатан баҳоси юқори бўлган, яъни қиммат ресурс ҳисобланади. Шу сабабли, банклараро кредитларнинг кўпайиши тижорат банкининг соф фоизли даромади миқдорининг камайишига олиб келади.

Тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири – бу депозит базанинг етарлилиги кўрсаткичидир.

Республикамизнинг тижорат банклари талаб қилиб олинadиган депозитлардан кредит операциялари учун ресурс сифатида фойдаланади. Бироқ, халқаро банк амалиётида талаб қилиб олинadиган депозитлар тижорат банкларининг актив операцияларини молиялаштириш учун ресурс ҳисобланмайди. Талаб қилиб олинadиган депозитҳисобрақамларидаги пул маблағларидан банklar ресурс сифатида фойдаланишлари учун ушбу пул маблағларини муддатли депозит ҳисобрақамларига ёки жамғарма депозит ҳисобрақамларига ўтказиш керак бўлади.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали Ўсаноатқурилишбанкнинг депозит базасини етарлилигига баҳо берамиз.



3-расм. “Ўсаноатқурилишбанк” АТБ регулятив капиталининг таркиби, жамига нисбатан фоизда [9]

3-расм маълумотларидан кўринадики, Ўсаноатқурилишбанкда депозит базанинг етарлилиги таъминланмаган. Яъни, талаб қилиб олинadиган

депозитларнинг брутто депозитлаар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан юқоридир.

Қуйида диссертацион тадқиқотнинг яна бир объекти бўлган АТ “Алоқабанк”нинг пасивларини таҳлил қиламиз.

-жадвал

**“Алоқабанк” АТБ пасивларининг таркиби, жамига нисбатан
фоизда [10]**

Пасивларнинг таркиби	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.
Мажбуриятлар	80,1	80,9	80,6	86,7	88,8
Регулятив капитал	19,9	19,1	19,4	13,3	11,2
Пасивлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

4-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда Алоқабанк пасивларининг умумий ҳажмида мажбуриятлар нисбатан юқори салмоқни эгаллаган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2020-2022 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган.

-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда Алоқабанк пасивларининг умумий ҳажмида регулятив капитал нисбатан кичик салмоқни эгаллаган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2020-2022 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, ушбу банк пасивларининг барқарорлигини таъминлаш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

**“Алоқабанк” АТБда мажбуриятлар ва регулятив капитал миқдорининг
ўзгариши, млрд. сўм [10]**

Кўрсаткичла	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.
Мажбуриятлар	4 684	5 945	6 539	10 964	14 288
Регулятив капитал	1 162	1 396	1 568	1 673	1 795

5-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда Алоқабанкда мажбуриятлар ва регулятив капиталнинг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, мазкур даврда мажбуриятлар миқдорининг ўсиш суръати регулятив капитал миқдорининг ўсиш суръатидан сезиларли даражада юқори бўлган. 2022 йилда 2018 йилга нисбатан банк мажбуриятларининг ўсиш суръати 305,0 фоизни ташкил қилган бўлса, регулятив капиталнинг ўсиш суръати эса, атиги 54,5 фоизни ташкил этди. Бу эса, Алоқабанк пасивларининг барқарорлигини таъминлаш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

тижорат банкларининг депозит базасининг барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади;

мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғи 2020-2022 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган;

Ўсаноатқурилишбанк мажбуриятларининг умумий ҳажмида нисбатан юқори салмоқни депозитлар ва банклараро кредитлар эгаллагани ҳолда, банк мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғи 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлди;

хориждан жалб қилинган кредитларнинг ТИФ Миллий банки пасивларининг ҳажмидаги салмоғи 2019-2021 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган;

Марказий банк мажбурий захира ставкасининг юқори бўлиши узок муддатли депозитларнинг баҳосига салбий таъсир кўрсатади;

2018-2022 йилларда ЎзСаноатқурилишбанкда депозит базанинг етарлилиги таъминланмаган. Бу эса, банкнинг депозит базасининг барқарорлигини таъминлаш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

инки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Пабlishер, 2017. – С. 396.

арионова И.В. О приведении банковского регулирования в соответствие со стандартами базельского комитета по банковскому надзору (Базель - III) в условиях нестабильной экономической ситуации. Монография. – М.: КНОРУС, 2018. – 190 с.

ешкова Е.И. Оценка деятельности и финансовой устойчивости коммерческого банка. Банковский менеджмент. Учебник. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 141-148.

анковское дело. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: Финансы и статистика, 2004. – С. 88-89.

соскин В.М. Современный коммерческий банк. – М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. - С. 106-109.

узметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 18 б.



International Journal of Finance and Digitalization

www.ijfd.uz

ISSN: 2181-3957

Vol. 2 Issue 05, 2023

збекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари.
Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ молиявий ҳисоботлари.
Алоқабанк” АТ молиявий ҳисоботлари маълумотлари.